



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чика бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

ИТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

2012 йил 20 сентябрь, пайшанба, 38 (462)-сон



Куйи бўгин юқори марраларни кўзламоқда

5 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Кишлоқ мулкдори ижтимоий масъулиятни теран ҳис этаяпти

6 ИСЛОҲОТ



Аделаидада қайд этилган жанговар дуранг

8 ФУТБОЛ

Парламентда



ФРАКЦИЯ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида «Оила кодекси»нинг 15-моддасини янги тахрирда баён этиш, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги ва «Жиноят кодекси»ларини янги модда билан тўлдиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

Маълумки, «Оила кодекси»нинг 15-моддасига асосан никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун эса 17 ёш этиб белгиланган. Алоҳида ҳолларда, никоҳда қирувчилар илтимосига кўра, туман ёки шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга қайтариши мумкин. Лекин амалдаги кодексда бу ваколатнинг рўйхати кўрсатилмаган эди. Ушбу моддани янги тахрирда эса мазкур нормага аниқлик киритилаяпти.

6 >>>

Ҳудудий партия ташкилотларида

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ МЕЗОН БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари шаҳар кенгаши сессияси муҳокамасига учта масала киритдилар

Айни пайтда Қарши шаҳрида 1400 дан ортиқ партия аъзоси бўлиб, улар 83 та бошланғич ташкилотта уюшган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги депутатларнинг 9 нафарини О'zLiDeP аъзолари ташкил этаётганини инобатга олсак, маслақдошларимиз зиммасидаги масъулиятни теранроқ ҳис этиш мумкин. Шунинг учун ҳам депутатлик гуруҳи шаҳар аҳолиси ва партия электоратини ўйлантираётган долзарб масалаларнинг мақбул ечимларини изчил муҳокама қилмоқда. О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаевнинг таъкидлашича, депутатлик гуруҳи томонидан шу йилнинг июль ойида шаҳар кенгаши сессиясига биратўла учта муҳим масала киритилди.


4 >>>

Ўзбекистон ва жаҳон

ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ. 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Корей Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.



Ўзбекистон раҳбари шарафига икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган ва фахрий қоровул саф тортган Корей Республикаси пойтахти аэропортида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш маросимидан кейин мамлакатимиз делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Мунтазамлик касб этган ушбу ташриф олий даражадаги Ўзбекистон-Жанубий Корей мулоқоти доирасида бўлиб ўтмоқда. Бундай учрашувлар чоғида томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига доир кўплаб масалаларни муҳокама қилиб, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг қўламли долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тadbирлари, хусусан, Корей Республикаси Президенти ва ушбу мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, Жанубий Корейнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар 20-21 сентябрь кунларига мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, учрашувлар якунида қўшма баёнот, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинади.

Халқаро эътироф:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциядаги нутқида «Юртимиздаги бугунги одамлар, бугунги ўзбекистонликлар эркин фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган, собиқ иттифоқда мавжуд бўлган турли иллат ва кайфиятлардан мутлақо ҳоли бўлган инсонлардир. Бу — бизнинг авлод» деган фикрга алоҳида урғу берилди

Ҳа, чиндан ҳам 21 йиллик тарихимиз давомида Ўзбекистонда ҳеч қандай кам бўлмаган янги авлод улғайди. Аммо бундай қатъий фикр ва хулоса чиқаришга булган даврда мамлакатимиз ниҳоятда оғир йўлни босиб ўтганини фақат 90-йилларнинг аянчли воқеаларини бошдан кечирган авлод-

гина ҳис этиши мумкин. Президентимиз нутқини қайта-қайта ўқиб, унда қайд этилган рақам ва далилларнинг ўзига хос тарихи, уларни келтириб чиқарган омиллар борлигига яна бир қарра амин бўлиш мумкин. Хўш, улар нималарда кўрина-япти?

2-3 >>>



Хорижий экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак баҳоламоқда

Тошкентда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қуйида халқаро анжуманнинг хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз

Пак Му ЖОНГ, «Korea Times» газетаси президенти ва ношири (Жанубий Корей):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман, конференциянинг барча иштирокчилари фик-

рича, ўз вақтида ташкил этилди. Негаки, ҳозир жаҳон иқтисодиёти ривожига муҳокама этилиши зарур муаммолар йўқ эмас.

Бундай шароитда кичик бизнес иқтисодиётида, айниқса, муҳим ўрин тутди. Кичик бизнеснинг ривожига жаҳон иқтисодий инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Урта синфга кичик бизнесни қўллаб-қувват-

лаш орқали ёрдам бериш энг тўғри йўлдир.

Президент Ислон Каримовнинг оқилона раҳбарлигида ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ва танлаган йўли жаҳон иқтисодиётидаги инқироздан азият чекаётган кўплаб мамлакатлар учун яхши намуна бўлиши мумкин.

3 >>>

Бунёдкорлик

Самарқанд:

Изчил ислоҳотлар самараси

Самарқанд беқиёс тарихий обида ва қадамжолари билан кўҳна ҳисобланса, истиқлол йилларида қад ростлаган замонавий иншоотлар, кўркам бинолар ва равон йўллари билан навқирон вилоят номига сазовор бўлмоқда



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижаси айни пайтда Самарқанд ва вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги бунёдкорлик ишларида ҳам яққол кўзга ташланаётганини самарқандликлар чуқур миннатдорлик билан тилга олаётганлари бежиз эмас.

Шу маънода ҳам «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун» шиорининг инъикоси айни пайтда вилоятнинг ҳар бир хонадонидида акс этмоқда, десак муволафа бўлмайдим. Айниқса, янги авлод вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар, XXI аср талаблари асосида қурилган замонавий коллеж ва лицейлар, турли соҳаларга ихтисослашган олий ўқув юрлари, ислоҳотлар туфайли пайдо бўлган янги

синф — тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўлай бизнес муҳитининг яратилгани бугунги Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ойнасига айланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Самарқанд вилоятида элликка яқин янги бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилгани ҳам фаровонлик ва мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик натижаси, дея баҳоланмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами 13 минг 155, шу жумладан, sanoatda — 2373; қишлоқ ва кўркам ҳўжалигида — 1958, транспорт ва алоқанда — 319, қурилиш соҳасида 1342 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда.

4 >>>

ШУ СОНДА:



РАҚАМЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛСАК, ЎТГАН ЙИЛИ АНА ШУНДАЙ НИКОҲ ТУФАЙЛИ 33 НАФАР НОГИРОН ЁКИ ЖИСМОНИЙ НУҚСОНЛИ БОЛА ТУФИЛГАНИГА ГУВОҲ БЎЛИШ МУМКИН.

Тараққиётнинг

Ўрта синф демократик жамиятнинг асосидир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференциядаги нутқини O'zLiDeP аъзолари ўзлари учун дастурий вазифалар белгилаб берилган маъруза, деб қабул қилдилар



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Энг аввало, бу истиқболнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон тараққиётининг тўғри йўли танлангани билан боғлиқдир. Уша даврда биргина хато мамлакатни бугун собиқ иттифоқ таркибидagi айрим давлатлардаги ҳолатдан баттароқ аҳолга тушириб қўйиши мумкин эди. Халигача ташқи қарзлар эвазига кун кечираётган, турли сиёсий ўйин-

яратиш учун тамал тоши қўйилди. Албатта, Юртбошимиз нутқида «... мамлакатимиз тарихида азал-азалдан хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутиб келгани кўп жиҳатдан кичик бизнеснинг жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда» деган фикр бежиз таъкидланмади.

Аммо бир неча ўн йилликлар мобайнида қоралаб

МУТАХАССИС ВА ТАҲЛИЛЧИЛАР БУНДАН 10 ЙИЛ АВВАЛ —

2002 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 2,5 млрд. сўм миқдорида КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛГАНИНИ, 2012 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЭСА БУ КЎРСАТКИЧНИНГ 4,5 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТИШИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР.

лари билан пул топишга уринаётган айрим мамлакатлардаги ҳаёт бунга мисол бўлиши мумкин.

Шу маънода ҳам гарчи конференция кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятига бағишланган бўлса-да, бундай салмоқли натижалар замирида, энг аввало, Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик мужассам эканини, бундай натижаларга инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилгани учун ҳам эришилганини таъкидлаш лозим.

Мутахассис ва таҳлилчилар бундан 10 йил аввал — 2002 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 2,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилганини, 2012 йил охирига эса бу кўрсаткичнинг 4,5 триллион сўмга етишини таъкидламоқдалар.

Ҳўш, бу рақамлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Бу, энг аввало, Ўзбекистонда ислохотлар изчиллиги, босқичма-босқичлик тамойилларига амал қилингани, мамлакатда ислохотлар учун мустақкам ҳуқуқий замин яратилиб, улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилгани билан боғлиқдир. Бу Президентимиз раҳнамолигида ўрта қатлам учун қулай бизнес муҳити, тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар яратилиб, ана шу қатлам доимо қўллаб-қувватлангани натижасидир.

Ҳўш, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодийнинг «локомотив»и даражасига бу қадар тез кўтарилишининг асл сабаблари нимада?

Бу саволга ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан жавоб топиш мумкин. 90-йилларда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар мулкдорлар қатлами, деган улкан бино учун пойдевор вазифасини ўтади.

Яъни, Ўзбекистонда хусусий қонунчилик базасини

қелинган бу тушунчалар, яъни хусусий мулк ва мулкдорлик ҳақида сўз юритиш учун, энг аввало, жамиятдаги қарашлар тубдан ўзгаририлиши лозим эди.

Агар тарихга мурожаат қилсак, Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган 1989 йилда мамлакатда қишлоқ мулкдорлари учун илк замин яратилганини аниқлаб етамиз. Тўғрироғи, 1989 йилнинг 17 августида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган йўналишида «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқна тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилиниб, унда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига 25 сотихдан ер ажратиш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу ўшанда 1,5 миллиондан кўпроқ оила кўшимча ер билан таъминланди, 700 минг оилага томорқа берилди, энг асосийси, бу билан хусусий мулкка нисбатан қарашлар ўзгаририлди бошланди.

Ана шу қарор қишлоқда илк хусусий ер эгаларининг пайдо бўлишини аниқлар эди. Зеро, бугун мамлакатимизда 4,7 млн.дан зиёд дехқон хўжаликлари фаолият олиб бормоқда.

Орадан роппа-роса 23 йилдан сўнг яна Тошкентда нуфузли анжуман ўтди. Аммо бу гал дунё аҳли иқтисодий кўмакка, молиявий ёрдамга муҳтож Ўзбекистонни эмас, аксинча, тўқ ва фаровон, ўз сўзи ва қатъий фикрига эга бўлган мамлакатнинг хусусий секторни ривожлантириш борасидаги тажрибаларини ўрганди, бу тажрибани оммалаштириш лозим, деган хулосага келди. Айни кунларда дунёнинг турли мамлакатларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида эришилаётган ютуқлар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Шубҳа йўқки, уларда тараққиётнинг «ўзбек модели» қанчалар асосли тамойилларга қурилгани яна бир қарра эътироф этилмоқда.

ТАҲРИРИЯТ

ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ САМАРАЛАРИ

Қабул пунктларига 89 тонна сара дон топширдик. Режадан ортқ 20 тоннага яқин дон хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Айни кунларда 27,2 гектар майдонда тўпланган пахта ҳосилини териб олаёلمиз.

Шу ўринда хўжалигимиз эришаётган бугунги натижалар бежиз эмаслигини давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар улар учун асос бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган йили тижорат банкнинг 180 миллион сўмлик кредити эвазига 3 гектар майдонда хориз тажрибаси асосида интенсив олма бойи барпо этиб, унда томчилик сугориш усулини жорий этдик. Шуниси қувонарлики, маҳаллий ниҳоллардан боғ яратсак, уч йилда ҳосилга кириди. Интенсив боғ эса бир йилда мўл ҳосил берди. Ҳозиргача янги боғдан 10 тоннага яқин сара мева олдик. Ҳали ҳосил мўл. Яна 6 тоннага яқин олма териб олишни кўзда тутаямиз. Келгуси йили бу ердан 20 тоннадан зиёд олма олишни мўлжаллаёلمиз.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати, тадбиркорлик тузилмалари учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар туфайлигина биз шундай натижаларга эришяёلمиз.



Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси:

— Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оғир оқибатларини олдини олиш ва барқарор этишда муҳим роль ўйнаган хусусий секторни бундан буён ҳам изчил ривожлантириш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверди. Зеро, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар беришни назарда тутувчи иккита муҳим фармони ва айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизғин муҳокама қилинаётган қатор қонун лойиҳалари мазкур соҳада эришилган натижалар келгусидаги улкан режалар учун мустақкам замин бўлиши лозимлигини кўрсатапти.

Мутахассислар 2011 йилда експортга махсулот чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 1823 тага етганини, бу 2000 йилга нисбатан 2 баробарга ортганини таъкидламоқдалар.

Агар биз хусусий сектор манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида ўз ваколат ва имкониятларимиздан тўғри фойдалансак, амалдаги қонунчилик базасини янада мустақкамлаб, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўшимча имконият ва имтиёзлар яратсак, юқоридagi натижаларнинг янада салмоқли бўлишига

шубҳа йўқ.

Айни пайтда Ўзбекистонда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ишбилармонларнинг янги авлодини шакллантириш учун улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлашни истардим.

Биз — O'zLiDeP аъзолари ана шу муҳим жараёндаги масъулиятни теран ҳис этиб, партиянинг ёшларга оид сиёсатини изчил такомиллаштиряёلمиз. Зеро, халқаро конференцияда Президентимиз жамият олдига қўйилган асосий вазифа эркин фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган инсонлар фаровонлиги эканини баён қилдилар.

O'zLiDeP шу маънода ҳам ўзини мамлакатимизда вояга етган янги авлод фаровонлиги, унинг истиқболли учун жавобгар, деб ҳисоблайди. Бас шундай экан, қаерда ва қандай вазифаларда фаолият юритмайлик бундан буён ҳам ушбу масалага бирламчи эътибор қаратаверамиз.

Маълумки, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳунармандчилик қадим замонлардан буён ажодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган анъана бўлиб, у ўзининг тарихий илдизларига ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрнига эгадир. Бунга Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши минг-миглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деган сўзларини еслашнинг ўзи kiffoя.

Маълумки, ҳар қандай тадбиркор маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваққал қилган ҳолда бозорга янги гоа, маҳсулот, хизмат ва ишлар билан олиб кирувчи шахс ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида яратилган қулай шароит, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилиш-

га қаратилган қонунчилик базаси айнан ана шундай шахсларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун мустақкам замин яратди.

Ишбилармонларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари қонуний ҳимояланаётгани бугунги муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда. Шу ўринда Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» деб номланган олтинчи бўлимида белгилаб берилган устувор вазифалар ушбу соҳа истиқболлини бутунлай янги босқичга олиб чиқишга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Айни пайтда мазкур Концепция талаблари асосида халқаро тажриба ва меъёрлар инобатга олиниб, ушбу соҳага оид қатор янги қонунлар-ишлар чиқилмоқдаки, бу O'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юкляди.

Депутатларимиз бу жараёнда мулк масаласига оид қонунларни янада такомиллаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмаларини янада ривожлантиришга хизмат қилайдиган қонунчилик базасини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Тошкентда ўтган халқаро конференциядаги нутқи O'zLiDeP аъзолари учун ушбу соҳани янада ривожлантиришга даъват этган дастуриямал маъруза бўлди.

ТАЯНЧ НУҚТА

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакат сиёсий майдонида пайдо бўлиши, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани, ўрта синфнинг иқтисодиётнинг таянч нуқтасига айланиши билан чамбарчас боғлиқдир



Насим АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси:

ни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида қўриб чиқиш учун 400 дан ортқ ташаббус илгари сурилди. Шу кунгача уларнинг 66 таси кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бунда хусусий мулк устуворлигини мустақкамлаш, тадбиркорликка янада кенгрок эркинлик бериш (69 эшитув), бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш (31 эшитув), кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган махсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш (158 эшитув), кичик бизнес субъектлари қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш (68 эшитув), тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияларга

асосланган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш (49 эшитув), уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш (58 эшитув) масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган тизимли ташкилий-ҳуқуқий чоралар натижасида мамлакатимизда тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, ўрта синф вакилларининг нафақат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи яхлит тизим ташкиллаштирилди, балки унинг самарали фаолиятини таъминлаш учун шарт-шароитлар пайдо бўлди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли учун қўшимча иш жойлари яратиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш имконини кенгайтирмоқда.



Адхам МҮМИНОВ,
Денов туманидаги «Хумоюн-А»
фермер хўжалиғи раҳбари, халқ
депутатлари Сурхондарё вилоят
кенгаши депутати:

— 14 сентябрь куни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция иштирокчилари, айниқса, дунёнинг кўзга кўринган экспертлари хулосалари билан танишиб, бундан 15 йил аввал иш бошлаган пайтларим ёдимга тушди. Ўтган ана шу даврда пахта ва галла етиштириш бўйича шартномавий режаларни ортиги билан удалашга муваффақ бўлдик. Бу йил ҳам 24 гектар майдонда галла парварлаб, ўтган йилга нисбатан юқори ҳосил олдик.

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

ЯХЛИТ ТИЗИМДАН — БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА

Конференцияда мустақилликнинг дастлабки кунларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилгани бежиз эътироф этилмади. Зеро, ана шу тизим туфайлигина соҳа ривожини учун мустақам қонунчилик базаси шакллантирилиб, у бугунги кунда ҳам изчил такомиллаштириб борилмоқда



Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси.

— Жумладан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 90-йилларнинг бошидаёқ конституций норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисидаги» қонунлар соҳа ривожига кенг имкониятлар яратди. Қисқа давр ичида sanoat, savdo, қишлоқ хўжалиги, турли хизматлар соҳасидаги давлат тасарруфида бўлган юз минглаб объектлар хусусийлаштирилди.

Кейинчалик қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» каби ўнлаб қонунларнинг хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз. Иқтисодийни изчил ва тизимли ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар истиқлол йилларида мулкчилик тузилишида туб ўзгаришларни амалга ошириш, кўп укладли иқтисодий шакллантириш, унинг таркибиди хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бозорини зарур товар ва хизматлар билан тўлдирish, одамларнинг даромад ва фаровонлигини ошириб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг эса энг муҳим омилга айланди.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг қабул қилиниши эса шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун ўзига хос ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштиришнинг муҳим омил бўлди. Хусусан, «Тад-

биркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

янада юксалтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Ушбу соҳадаги қонунчилик базасини янада ривожлантириш тўғрисида гап борар экан, O'zLiDePнинг барча тузилмалари, хусусан, унинг парламентдаги фракцияси томонидан 2010-2012 йиллар давомида жами 770 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирлар ўтказилгани, 450 дан ортиқ ижроия ҳоқимияти ва бошқа-

«ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА», «РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА», «КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШУВИ ТЎҒРИСИДА», «РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА», «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРДИ, ДЕЙИШ МУМКИН.

да»ги фармонлари нафақат бу йўналишдаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустақамлаш, мулк дахлсизлигини таъминлаш, улар фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувни бартараф этиш, энг асосийси, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларини эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Кредит ахбороти алмасуви тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтарди, дейиш мумкин.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида оилавий бизнеснинг қонунчилик базаси яратилди. Бизнесни юритишда миллий анъаналар, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келадиган ҳуқуқий кафолатлар эса кучайтирилди. Энг муҳими, оилавий бизнеснинг жадал ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишини кенг-роқ таъминлаш асосида эл фаровонлигини

рув органлари вакилларининг тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш, давлат ва назорат органларининг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига йўл қўймайлик, уларнинг кредит-молия ва хом ашё ресурслари ва давлат буюртмаларидан кенг фойдаланишини таъминлашга оид ўнлаб масалалар бўйича эшитиувлар уюштирилганини таъкидлаш мумкин.

Фракциямиз томонидан тизимли равишда электротар вакиллари, соҳа мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари ва нуфузли экспертлар иштирокида туркум тадбирлар ташкил этилгани натижасида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича 2000 дан зиёд тақлифлар жамланди ва танқидий нуқтани назардан кўриб чиқилди. Энг муҳими эса ана шу тақлифлар янги қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, янги иш ўринларини яратиш баробарида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишга ва охири оқибатда мамлакатимиз рақобатбардорлигини юксалтиришга ҳам хизмат қилаётган.

ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙМИЗ

«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланди



Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
«Навбахор-савдо» МЧК раҳбари,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
кенгаши депутати.

— Мен бир тадбиркор сифатида бунинг ҳаётдаги таъсирини ўз фаолиятимда кўриб турибман. 2002 йили «Навбахор-савдо» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилганимизда бор-йўғи 7 киши билан иш бошлаган эдик. Бугун 150 нафардан ортиқ ходимимиз бор. Эндиликда Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Урганч ва Қарши шаҳарларида ҳам филиалларимизни очиб муваффақ бўлдик. Шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида «Навбахор-саноат» ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, маҳаллий хом ашё асосида янги тиббий воситалар тайёрлай бошладик. Буларнинг барчаси

кичик бизнес ривожига қаратилган юксак эътибор, яратилаётган шароит ва имтиёзлар туфайлидир. Корхонамиз фаоли-

ятининг йилдан-йилга кенгайиб, даромадининг ортиши янги иш ўринлари очилишига замин яратиши баробарида давлат бюджетига тушадиган солиқ тўловларини ҳам ошириш имконини берапти. Ҳозирги кунда «Навбахор-савдо» МЧЖ томонидан ойига ўртача 110,5 миллион сўм миқдориди солиқ, 45,3 миллион сўм миқдориди божхона тўловлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ўтган йилда болалар

муассасаларига 100 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Энг ривожланган давлатларда ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ҳали ҳам бартараф этилмагани туфайли бизнес тузилмалари иш ўринларини кескин қисқартираётган бир пайтда Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ҳисобидан кўплаб иш жойлари очилаётгани соҳага қаратилган эътибор ва берилган преференци-

яларнинг амалдаги ифодасидир.

Қувонарли томони шундаки, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг бош мақсади ҳам партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифалари билан уйғун бўлиб, иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорликка янада кенг йўл очилиш орқали жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллашдан иборатдир.



Уктам ХУЖАЁРОВ,
халқ депутатлари вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари депутати.

— Зеро, ана шундай эътибор ва хусусий секторнинг изчил қўллаб-қувватланиши натижасидагина мамлакатимизда мулкдорлар қатлами пайдо бўлди. Маълумки, 2000-2012 йилларда туризмни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларни кенгайтиришга қара-

тилган дастурга асосан меҳмонхоналар сони, саҳатчиларга кўрсатилаётган сервис хизмати ҳамда ва сифатини оширишга эътибор кучайди. Айни пайтда воҳада 20 га яқин туристик ташкилот ва меҳмонхоналар иш олиб бораётган. Агар ўтган йили вилоятга 36791 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, уларнинг

10513 нафарини хорижий фуқаролар ташкил этди. Уларга 157,8 минг АҚШ доллари миқдориди хизмат кўрсатилди, 2012 йилда бу кўрсаткич 1,5 бараварга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинапти. Шаҳар марказида ички инвестиция ва кредит ҳисобига 1 миллиард сўмга тенг бўлган уч юл-

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юксак баҳоламоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Чонг Янг ЛИ, Питтсбург университети профессори, Ишбилармонлик тадқиқотлари маркази директори (АҚШ): — Ўзбекистон иқтисодийнинг жадал ривожланиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, жумладан, ташқи савдони янада эркинлаштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Экспортчи корхоналарга берилган имтиёз ва преференциялар келажақда кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Виллем ХААГСМА, Голландия экспорти конфедерацияси президенти (Голландия): — Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи янада мустақамланмоқда. Кўпгина давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари мамлакатингизга тўғридан-тўғри инвестиция киритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистонда бундан йигирма йил аввал бўлганман. Ўтган вақт мобайнида юртингизда иқтисодий, қурилиш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда рўй берган улкан ўзгаришлар ва эришилган муваффақиятлар мени лол қолдирди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўп ва бу, шубҳасиз, мамлакатингиз иқтисодийнинг янада раванқ топишига ёрдам беради.

Майкл ШЕННА, АҚШ Давлат департаментининг Тижорат ва бизнес ишлари бўйича офиси Глобал тадбиркорлик дастурининг масъул ходими: — 2008 йилдан буён Ўзбекистонга тўрт марта келдим. Ташрифларим орасида қисқа вақт ўтганига қарамай, шу вақт мобайнида бу ерда иқтисодий ислохотларнинг улкан амалий натижаларини кўрдим. Хусусий сектор мамлакат иқтисодийда тораба мустақам ўрин эгалламоқда. Мен ўз ишини энди бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич капитални шакллантириш масалалари билан шуғулланаман. Бу хусусий секторни самарали ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бундан ташқари, бизнесменлар учун солиқ, инвестиция ва бошқа преференцияларни яратишда давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши лозим. Бусиз кичик бизнес кутилган даражада ривожлана олмайди. Ўзбекистонда ушбу барча жиҳатларга эътибор қаратилмоқда ва шу сабабли мамлакатингиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бундан ҳам ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга, деб ўйлайман.

Фахд ал-МЕКРАДА, Араб очик университетининг узлуксиз таълим бўйича бош директори (Кувейт): — Ўзбекистоннинг турли тармоқлар ва соҳалардаги ютуқлари мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда Президент Ислам Каримов Жаноби Олийлари томонидан ишлаб чиқилган аниқ ва пухта ўйланган мақсадлар мавжуд. Бу ерда ҳар бир фуқаро ўзининг аниқ мақсадларига ва келажаққа қатъий ишонча эга. Мамлакатингиз изчил ва барқарор ривожланмоқда. Ёшларга ўзини қизиқтирган ва замонавий касб-хунарларни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган. Мен Тошкентдаги туризм коллежиди бўлдим ва ўғил-қизларнинг ватанпарварлигига қойил қолдим. Мен улардан келажақдаги мақсадлари ҳақида сўраганимда, ўқувчилар ўқиниш таомолаб, Ўзбекистон тараққиёти йўлида хизмат қилиши ва бу йўлда бор куч-гайратини аямаслигини айтишди.

Профессор Эдгар О.КЛОЗЕ, Маркиш технологиялар ва инновацияларни жорий этиш институти президенти (ГФР): — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти инновация ва технология ривожланиши учун ажойиб шарт-шароитлар яратилган. Мамлакат аҳолиси ноёб тарафга эга бўлиб, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Сон ва сифат жиҳатдан юксак савияда ташкил этилган кўплаб коллежлар ва университетларни ўз ичига олган таълим тизими фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, бизнинг фикримизча, ўзбек халқи ўзининг бой тарихи ҳамда маданияти билан ҳақли равишда фахрланади.

Александр АНТОНОВ, Канаданиннг Ўзбекистон Республикасидаги фахрий консули: — Шунинг таъкидлаш жоизки, Канада делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида биз Чирчиқ шаҳридаги «Узтекс-Чирчиқ» тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишдик. Корхона бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, корхонада ишлаётган қишлоқ қизлари компьютерлаштирилган технологияларни эркин ва маҳорат билан бошқараётгани Ўзбекистон танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Правда ПАТХОП, «World Mass Communication» журналининг маркетинг ва халқаро савдо бўлими бошлиғи (Хиндистон): — Тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни муваффақиятли амалга ошираётгани натижасида Ўзбекистон бугун бутун дунёда катта обрў-эътиборга эга. Мамлакатингиз 20 йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Ўзбекистон — sanoati ривожланиб бораётган давлат. Мамлакат иқтисодийда хусусий секторнинг улуши, ушбу соҳада бандлик даражасининг ошиб бораётгани унинг иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатининг устувор ва энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ

Конференцияда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилаётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди

— Зеро, ана шундай эътибор ва хусусий секторнинг изчил қўллаб-қувватланиши натижасидагина мамлакатимизда мулкдорлар қатлами пайдо бўлди. Маълумки, 2000-2012 йилларда туризмни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларни кенгайтиришга қара-


тилган дастурга асосан меҳмонхоналар сони, саҳатчиларга кўрсатилаётган сервис хизмати ҳамда ва сифатини оширишга эътибор кучайди. Айни пайтда воҳада 20 га яқин туристик ташкилот ва меҳмонхоналар иш олиб бораётган. Агар ўтган йили вилоятга 36791 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, уларнинг

10513 нафарини хорижий фуқаролар ташкил этди. Уларга 157,8 минг АҚШ доллари миқдориди хизмат кўрсатилди, 2012 йилда бу кўрсаткич 1,5 бараварга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинапти. Шаҳар марказида ички инвестиция ва кредит ҳисобига 1 миллиард сўмга тенг бўлган уч юл-

дузли меҳмонхонани мукамал реконструкция қилиб, сайёҳлар ва шаҳар меҳмонларини қабул қиладиган обод масканга айлантирдик. Юртбошимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрида ҳам кўплаб тарихий обида ва қадимжоларни таъмирлашга эътибор кучайтирилаётгани вилоятда туризмни янада ривожлан-

тириш имконини берапти. Зеро, ҳар бири ўз тарихига эга бўлган ёлдорликлар ҳамда соҳибқирон Амир Темур давридан бизгача сақланиб келган бебаҳо маданий мерос билан танишиш, воҳаниннг бетакрор табии атидан баҳраманд бўлиши хоҳлаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлар натижасидир.



БЕКТЕМИР ТУМАНИДАГИ «ФАРХОД-АБРОРХУЖА»
ХЧИК қошидаги БПТда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчидир» мавзуда тадбир ўтказилди. Унда юртимиздаги қулай тадбиркорлик муҳити ҳақида сўз юритилди.



НАВОИЙ КОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ
«Марказий моддий-техника базаси» қошидаги БПТда ташкилот фаолиятини янада яхшилаш, партия аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, аъзолик бадалларини тўлаш интизомини яхшилаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.



О'ZLIDER ЯНГИОБОД ТУМАН КЕНГАШИДА
«Онлавий тадбиркорлик — мустақкам оила таянчи» мавзуда ўтказилган очик мулоқотда БПТлар раислари томонидан онлавий бизнесни янада ривожлантириш борасида қўллаб-амаллий тақдирлар ўртага ташланди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

38 (462)-сон

e-mail: oxborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил
20
сентябрь,
пайшанба

Депутат сайловчилар ишончини оқлаяпти

Қашқадарё вилояти Касби туман тиббиёт бирлашмасининг асаб касалликлари бўлими мудирини Жоноқул Раҳимов айти пайтда шифохона қошида ташкил этилган БПТга етакчилик қилмоқда

Ўз мухбиримиз

Бугун бошланғич партия ташкилотининг 18 нафар аъзоси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етишишларига муносиб ҳисса қўшиш баробарида одамлар ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини ҳам кенг тарғиб қилмоқдалар. Яқинда яна 3 нафар ҳамшира партия сафига қабул қилинди.

Катта ҳамшира Фароғат Саидхонова ҳам ўз ташаббускорлиги билан жамоада обрў-эътибор қозongan фаоллардан. У ҳам аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, хотин-қизларда учраётган камқонлик хасталигининг олдини олиш борасидаги тарғибот ишларида фаол қатнашаётган. Жамоада ўтказилаётган тадбирларда эса ислохотлар мўҳитини одамларга етказиш, эл-юрт равнақи йўлидаги ишларга муносиб ҳисса қўшишга даяват этиди.

БПТ раиси Жоноқул Раҳимов туман кенгаши депутати сифатида Жизза қишлоғидаги 3335 нафар фуқаро ҳаётидаги ўзгаришлардан яхши хабардор. Жорий йилнинг ўтган даврида жаззалик ўнлаб тадбиркорлар ўз бизнесларини йўлга қўйдилар. Айти пайтда Зокир Жўрақуловнинг гишт, Хидир Мирзаевнинг макарон ишлаб чиқариш цехлари юқори қувват билан ишлаётган. Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шугулланади. Ҳозир бу ерда ўн та иссиқхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда етиштирилаётган сабзавот ва цитрус мевалар туман бозорларига чиқарилаётган. Ўтган ярим йилда иссиқхоналар яна 3 тага қўпайиб, йигирмага яқин янги иш ўрни яратилди. Ёш тадбиркор Ориф Ашуоров томонидан тайёрланаётган пойабзаллар эса сифатлиги билан ўз харидорларини топтомоқда.

Депутат-шифокор ўз сайловчилари билан муносабат учрашиб, уларни ўйлантираётган муаммолар билан ҳам жиддий шугулланади. — Бугун ҳар бир партия аъзоси учун ниҳоятда масъулиятли давр, — дейди БПТ етакчиси. — Биз либерал-демократлар тараққиётимиз учун зарур қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, уларнинг ижроси юзасидан жойларда партиявий назоратни ўрнатиш, аҳолининг тадбиркорликка бўлган муносабати ва қарашларини ўзгартириш, ёшларни ўз юртининг фидойи фарзандлари сифатида тарбиялаш борасида қатор ишларни амалга оширишди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида фаол қатнашиш, кўтарилаётган муаммолар ечими хусусида муносабат билдириш ва берилаётган партиявий топшириқларни сидқидилдан бажариш менингни бурчим. Нафақат сайловчилар, балки мени номзод этиб кўрсатган сиёсий партиянинг ҳам ишончини оқлашим шарт. Партиямиз гоёларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муаммоларни бартавраф этиш, ўзимизга, билим ва қобилиятимизга, жонқуярлигимизга боғлиқ эканлиги ёрқин ифодаланган. Партия



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ЖИЗЗАЛИК ЎНЛАБ ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ БИЗНЕСЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИЛАР. АЙНИ ПАЙТДА ЗОКИР ЖЎРАҚУЛОВНИНГ ГИШТ, ХИДИР МИРЗАЕВНИНГ МАКАРОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИ ЮҚОРИ ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАЯПТИ.

депутати мана шу гоёларнинг жонқуяр ва фаол тарғиботчиси. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтириш, ишсизликни камайитириш, жамият фаровонлигига эришишни бош мақсад қилиб сиёсий майдонга келган партияимизнинг гоёвий мақсадларини омма онгига сингдириш, уларни юрт равнақи, эл фаровонлиги, бахтли келажак қуриш йўлидаги эзгу ишларга сафарбар этиш кундалик иш дастуриимизнинг асосий мезонидир. Одамлар ташвиши билан яшаш, уларнинг қорига яраш, аниқ мақсадларга қаратилган фаолият инсон ҳаётига унутилмас мазмун бағишлар экан. Ҳар бир депутат биринчи галда ўз бошланғич ташкилоти олдида ҳисоб берса, партиявий фаолияти янада кучайтириш аниқ. Буни ўз тажрибам мисолида айтишман.

Партия фаоли Мاستура Уринова зиммасига хотин-қизларни оммавий спорт тўғрисида қўллаш зарурлиги ҳақида таъкидланган. Жойларда ташкил этилаётган тадбирларда партия фаоли хотин-қизларнинг спорт билан шугулланишлари — саломатлик гарови эканлигини таъкидлар экан, улар ўртасида мусобақалар ташкил этиш, бу ишга ҳомийларни жалб этишга интиляпти.

— Партия аъзоларининг аҳоли ўртасидаги сиёсий-тарбиявий ишларга фаол жалб этишга эришиш долзарб вазифаларимиздан, — дейди БПТ раиси. — Айтиқса, юртдошларимизга берилган имкониятларни тушунтириш, юрт келажиги, эл фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда фаол қатнашишларига боғлиқ эканлигини аниқлаштириш керак. Зеро, мамлакат келажиги учун масъулиятни зиммасига олган етакчи сиёсий куч аъзолари доимо ташаббускор ва сиёсий фаол бўлишлари лозим.

ригимизга берилган имкониятларни тушунтириш, юрт келажиги, эл фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда фаол қатнашишларига боғлиқ эканлигини аниқлаштириш керак. Зеро, мамлакат келажиги учун масъулиятни зиммасига олган етакчи сиёсий куч аъзолари доимо ташаббускор ва сиёсий фаол бўлишлари лозим.

ДИҚҚАТ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, ДТ «Халқ банки», ТИФ Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банки» ОАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ, «Алоқабанк» ОАТБ, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Онлавий тадбиркорликдан — мустақкам оиллага» лойиҳасини амалга оширмоқда.

ҲУРМАТЛИ ОПАСИНГИЛЛАР!

«Онлавий тадбиркорликдан — мустақкам оиллага» лойиҳаси Сиз учун хўнарамандчилик, қасаначилик ва бошқа йўналишлар бўйича онлавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ўз бизнесингизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятдир. Зеро, онлавий тадбиркорлик оила фаровонлиги ва аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Лойиҳада фаол иштирок этган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари ҳамкор тижорат банклари томонидан имтиёзли асосда молиялаштирилади. Батафсил маълумот олиш учун О'zLiDeP ва унинг ҳудудий ташкилотларига мурожаат этинг!

Маълумот учун телефонлар:
8 (371) 255-66-03, 255-62-25
веб-сайт www.uzlidep.uz, www.sarmoya.uz

Қуйи бўғиннинг юқори марралари

«Ўзтемирйўлконтейнер» очик акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар филиалидаги бошланғич ташкилот аъзолари асосий эътиборни ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга қаратмоқдалар

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

— Яқинда жамиятимизга олий ўқув юрлари ва коллеж битирувчиларининг 40 нафарини ишга олдик, — дейди филиал директори, БПТ етакчиси Қаҳрамон Абдумаликов. — Уларни тажрибали мутахассислар ҳамда партия фаолларига бириктирган ҳолда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёмиз. Умуман олганда, 800 нафар ходимимизнинг 400 нафари Тошкент шаҳар филиалларида фаолият юритиб, уларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этиди. Навқирон авлод вакиллариининг янгиликка ўчилиги фаолиятимизни янада жалдлаштиришда қўл келмоқда.

Таъкидлаш керак, «Ўзтемирйўлконтейнер» очик акциядорлик жамиятининг пойтахт филиали асосан маҳаллий ва халқаро аҳамиятта эга юрларни орттириш, таъбиб бериш ва сақлаш билан шугулланувчи миллий логистик тузилма ҳисобланади. Корхона асосан Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Германия, Буюк Британия ва Россия билан ҳамкорлик қилади. Соҳа мутасаддиларининг фикрича, 2012 йилнинг 6 ойида корхона томонидан жами 1 миллион 68 миң тонна юк ташилган бўлиб, даромад 3 миллиард 375 миллион сўмни ташкил этган.

— 30 нафардан зиёд БПТ аъзоларининг намунали фаолияти улар ташкил этилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топтомоқда, — дейди О'zLiDeP Мировод туман кенгаши бўлим мудирини Хуршиди Чоршанбиева. — Хусусан, февраль ойида ўтказилган ҳисобот-саноат йиғилишларида партия фаоллари ўз ташаббускорликларини яна бир бор намойиш этидилар. Тадбирда партия ташкилотининг 2011 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, 2012 йил режалари белгилаб олинди. Партия фаолларидан Ойбек Жабборов, Жамшиддин Жўраев ва Игорь Тулаганов сингари ташаббускорлар партиявий ишларни янада жонлантириш, берилган топшириқларга масъулият билан қараш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалаларига оид тақлиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

— Партиянинг дасту-



рий мақсад ва вазифалари ҳамда мафқуравий кўрсатмалари ижросини таъминлаш, электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш, ходимларнинг иш шароитини янада яхшилаш ҳамда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш ташкилотимиз фаолиятида устувор аҳамиятта эга, — дейди БПТ етакчиси. — Яна шуниси қувонарлики, корхонанинг кундалик ҳаёти ва жамоат ишларида, хусусан, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларида ҳам БПТ аъзоларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ишнинг кўзини билмасдан, партиянинг дастурий вазифалари нимадан иборат эканини аниқлашдан туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Қачонки партия аъзолари зарур билимлар билан қуроллансагина, олдимизга қўйган мақсадларга эришишимиз мумкин. Бунда, албатта, юқори партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустақкамлаб, ўз тақлиф ва мулоҳазаларимизни тақдим этиб боришимиз муҳим аҳамиятта эга.

Этироф этиш керак, БПТ аъзолари юқори партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тадбирларда қатнашиш билан бирга ўзларининг сиёсий билимларини ошириш учун турли ўқув-семинарларини ҳам фаол уюштирмоқдалар. Партиявий фаолиятда ўзини кўрсатган БПТ аъзоларининг меҳнатлари эса муносиб тақдирланмоқда. Бу ҳам партия фаолиятига қизиқувчилар ва хайрихоҳлар сонининг орти-

шига хизмат қилаётган. Қолаверса, кўп йиллик тажрибага эга ходимлар ёшларга ўз билим ва кўникмаларини ўргатишяпти. Айтиқса, корхонада ёшларнинг мустақил иш фаолиятига тезроқ мослашишлари ва кўникма орттиришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда О'zLiDeP фаоли, корхона ёшларининг сардори, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис Шаҳноза Турсунова, хусусан, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларида ҳам БПТ аъзоларининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ишнинг кўзини билмасдан, партиянинг дастурий вазифалари нимадан иборат эканини аниқлашдан туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Қачонки партия аъзолари зарур билимлар билан қуроллансагина, олдимизга қўйган мақсадларга эришишимиз мумкин. Бунда, албатта, юқори партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустақкамлаб, ўз тақлиф ва мулоҳазаларимизни тақдим этиб боришимиз муҳим аҳамиятта эга.

Албатта, мазкур БПТ фаолиятини жонлантиришда Мировод туман партия ташкилотининг кўмаги катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боис корхонада О'zLiDeP мавқеи тобора мустақкамланаётган. Партияга кириш истагини билдирган ходимлар сони ҳам кўпаймоқда. Темирйўлчилар касб байрами муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида ҳам партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

— Назаримда, ўз ишимиз, юриш-туришимиз билан нафақат партиявий соҳада, балки касбий фаолият ва ҳаётда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиш учун турли ўқув-семинарларини ҳам фаол уюштирмоқдалар. Партиявий фаолиятда ўзини кўрсатган БПТ аъзоларининг меҳнатлари эса муносиб тақдирланмоқда. Бу ҳам партия фаолиятига қизиқувчилар ва хайрихоҳлар сонининг орти-

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида

2013 йил учун

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА

бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

— Жамиятда оила қуриш маданияти ҳамда фуқароларнинг оилавий муносабатларини шакллантиришдаги жавобгарлиги тобора охиб бораётган бўлса-да, айрим ҳолларда қизларнинг эрта турмушга чиқиши кузатишмоқда, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева. — Жумладан, 2011 йилда 17 ёшли қизлар билан 7161 та, 16 ёшли қизлар билан эса 53 та никоҳ қайд этилган. Қизларнинг оилавий муносабатларга эрта киришиши уларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олишлари ҳам салбий таъсир кўрсатапти. Мутахассисларнинг фикрича, эрта турмуш қуриш бўлажак она ва туғилажак бола соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин. Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йили ана шундай никоҳ туғайли 33 нафар ногирон ёки жисмоний нуқсонли бола туғилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, айрим ҳудудларимизда ана шундай ҳолатлар ҳалигача содир бўлаётгани афсусландирди. Ваҳоланки, «Никоҳланишга розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Конвенция»нинг 2-моддасига мувофиқ, белгиланган ёшга етмаган шахс билан никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган бўлган. Шунга қарамай, никоҳ ёшига тўлмаган қиз билан ФХДЭ органлари оққали эмас, диний расм-рўсулларга биноан турмуш қуриш ҳоллари ҳам учрамоқда. 2011 йилда 486 нафар қиз ота-оналар талаби билан ана шундай шаръий никоҳ ордани турмушга чиққан.

Қонун ташаббускорларининг таъкидлашича, бундай ҳолатларга амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар, яъни никоҳ ёшига тўлмаган шахс билан эр-хотинлик муносабатидан бўлганлик, ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига ет-



маганларни эрга берганлик ёхуд уйлантирганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланмагани сабаб бўлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси асосида парламент кўйи палатасига киритилган қонун лойиҳаси бу борадаги жавобгарлигини ошириш имконини беради. Зеро, унда «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги ва «Жиноят кодекс»ларини янги модда билан тўлдириш назарда тутилмоқда. Таклиф этилаётган нормалар балоғат ёшига етмаган қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилиниши таъминлаш, таъминнинг мажбурийлиги ҳақидаги талабларни амалда таъбиқ этиш, жамиятда аёллар мавқенини мустаҳкамлаш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш имконини кенгайтиради.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республи-

каси Солиқ кодексининг 356-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бевосита О'зЛиДеР электорати манфаатига тааллуқли бўлгани учун ҳам фракция аъзоларининг қонун лойиҳасига қизқишлари юқори бўлди. Депутатлар мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардор маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб чиқилганини таъкидлашди.

— Янги қонун лойиҳасига кўра, 2007 йил 25 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (356-модда) сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлашдан, шунингдек, лаборатория тестлари

ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтирилган маблағларга ағона солиқ тўлови бўйича солинадиган солиқ базасини камайитиш мақсадида қўшимчалар киритиш назарда тутилган, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Таклиф этилаётган бундай ўзгартириш ва қўшимчалар талбиркор ва ишбилармонларга, экспортбон маҳсулотлар тайёрлашга ҳаракат қилаётган фермерларга янги имконият ва имтиёзлар яратиб беришга қаратилган учун ҳам лойиҳани бир овоздан қўллаш ҳаётимизда.

Фракция йўналишида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда маъқулланди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Малакали кадрлар — муваффақият омили

Бугунги кунда банк тизими жадал ривожланиб, мамлакатимиз молия бозоридаги рақобат муҳитини кучайтирмоқда

Бу ҳол, табиийки, малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ошириши ўз-ўзидан маълум. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳам чекка ҳудудларни ободлаштириш ва аҳоли учун замонавий турмуш тарзини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан биридир.

2009 йилда «Фаллабанк» очик акциядорлик-тижорат банки негизда юзага келган «Қишлоқ қурилиш банк» дастлабки кунларда юзга янги таркибий ўзгаришларни амалга ошириб, ҳаёт қатмарига тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Муассаса ходимлари касбий маҳоратини ошириш, кадрлар захирасини яратишнинг замонавий усулларида унумли фойдаланиш ўз самарасини берапти.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда банкнинг 42 та филиали ҳамда 300 дан ортиқ шохобчалари бўлиб, уларда 2300 нафардан ортиқ ходимлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 84 фоизи олий маълумотли мутахассислардир. Банк бошқаруви томонидан раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Албатта, бу борада чора-тадбирларнинг қўрилаётганлиги, шубҳасиз, ўз са-

марасини берапти. Таъкидлаш жоизки, банкимизда раҳбар ходимлар ва мутахассислар касбий мувофиқлигини баҳолаш ҳайъати фаолияти йўлга қўйилган. Унинг синовидадан ўтган кишигагина ишлаш учун рухсат берилади. Биргина жорий йилда ҳайъат аъзолари томонидан 22 та йиғилиш ўтказилиб, уларда 60 нафар мутахассисликка номзоднинг фаолияти атрофлича муҳокама қилинди. Натижада тавсия этилган номзодларнинг 90 фоизи ўз вазифасига лойиқ, деб топилди.

Умуман, банкимизда кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириб бориш асосий масалалардан бири қилиб қўйилган.

Бу борада банк қўшида ташкил этилган ўқув маркази муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказда қабул қилинаётган янги қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президентимиз фармон ва қарорлари, Марказий банк йўриқномалари ҳамда молия-иқтисодий тизимда кузатилаётган ўзгаришлар асосида ўқув-семинарларни ташкил қилинапти. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 275 нафар ходим бу ерда ўтказилган машғулотларда қатнашиб, ўз сиёсий ва иқтисодий билимларини оширдилар. Қолаверса, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси учун «Иқтисодий ўқув кўни» деб эълон қилинган. Шу кун улар нафақат банк-молия, балки маданий-маърифий соҳадаги янгиликлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Бу борада республика «Маънавият

ва маърифат» маркази билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Банк-молия академияси, Минтақавий банк ўқув маркази ва бошқа институтларда юзга яқин ходимимиз ўз малакаларини ошириб қайтилар.

Бугунги кунда молия муассасалари ўртасида юзага келган кучли рақобат муҳити миқозларга ҳар томонлама қулай, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни тақозо этмоқда. «Қишлоқ қурилиш банк» юқоридаги талабдан келиб чиқиб, хизмат маданиятини оширишга, мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, эндиликда самарали меҳнат ва излашни орқалигина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Банкда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий таъбирларга жалб этиш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун старли шарт-шароит яратилган. Жумладан, 1333 нусха китоб фондига эга бўлган кутубхона улар хизматида. «Почта-кутубхона» дастури фаолият юритапти.

Бир сўз билан айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларида кадрлар ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатилаётганлиги эришилаётган ютуқларга қанот бағишламоқда. Зеро, инсон ҳар қандай муваффақиятнинг бош омилидир.

Банк матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳларида

Қишлоқ мулкдори ўз зиммасидаги ижтимоий масъулиятни теран ҳис этмоқда

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, О'зЛиДеРнинг Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Ботир МИРЗАЕВ «XXI asr» муҳбири саволларига жавоб беради

— Айни пайтда нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро анжуман натижаларини муҳокама қилмоқда, десак хато бўлмайди. Ана шу муҳим тадбир ҳусусида қандай фикрласиз?

— Энг аввало, анжуман яна бир қарра Ўзбекистон ташкилотлари тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини кўрсатди. Хорижий экспертлар, дунёнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳамда таниқли сиёсатчиларнинг хулосаларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо бериш баробарида тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини кўрсатди. Хорижий экспертлар, дунёнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳамда таниқли сиёсатчиларнинг хулосаларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо бериш баробарида тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини кўрсатди. Хорижий экспертлар, дунёнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳамда таниқли сиёсатчиларнинг хулосаларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо бериш баробарида тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини кўрсатди.

— Анжуманда давлатимиз раҳбари «Мазкур соҳани тез суръатлар билан тараққий топтириш ва умуман, мамлакатни ислоҳ этиш ва

модернизация қилиш бўйича биз танлаган модель 2008 йилда бошланган, бугунги кунда, афсуски, чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Ўзбекистон учун ҳал қилувчи роль ўйнади» дедилар. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар қачонгидан жадал ривожланаётгани, соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган қарорлар қабул қилинаётгани ўзининг реал натижаларини бермоқда.

— Маълумки, Ўзбекистон истиқлол йилларида юксак суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар қаторига қўшилди. Бунга фермерларнинг мустаҳкам оёққа туриб олгани ҳам асосий омиллардан бўлаяпти. Бу йўналишда Қорақалпоғистонда қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ёдингизда бўлса, 2008 йилнинг 27 декабрида Тошкентда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг қўшма йиғилиши ўтказилиб, унда партия ва уюшма ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ

мулкдорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим тадбирлар режаси белгилаб олинган эди. Ўтган вақт давомида бу яхши натижалар берди. Бунинг биринчи навбатда, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш тизимининг тақомиллашгани, пахтачилик ва дон етиштириш билан биргаликда боғдорчилик, чорвачилик, баллиқчилик, асаларичилик, энг муҳими, қишлоқда қайта ишлаш соноатининг интенсив ривожланишида ҳам қўриш мумкин. Агар 2008 йили Қорақалпоғистон аграр шўъбасида ўсиш ҳажми 100,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 105,2 фоизга етди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳам кескин ошди. 2011 йилда сабзавот экинлари майдони 7,2 минг гектарга, картошка 4,6, полиз 6,9, мева 5,2 минг гектарга етказилди. Ўтган йили 32,9 минг тонна картошка етиштирилган бўлса, 58,3 миллион донат тухум тайёрланди.

— Бундай ижобий ўзгаришларга эришишда О'зЛиДеРдан сайланган депутатлик гуруҳи қандай бўлмоқда?

— Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Нукус ва Тахياتош ша-

ҳар, шунингдек, 14 та туман кенгашида О'зЛиДеРдан сайланган 154 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 30 нафари Жўқорғи Кенгесда, қолганлари маҳаллий кенгашларда иш олиб бораётган. Шу ўринда партия аъзоларининг 16 нафари маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссияларга етакчилик қилаётганларини таъкидлаш жоиз. Депутатларимиз орасида фермерлар кўпчилигини ташкил этади, албатта. Бугун Қорақалпоғистонда партия аъзоси бўлган фермерлар 1397 нафарни ташкил этади. Мавжуд 579 та бошланғич партия ташкилоти ҳам ўз саҳифа асосан аграр соҳа вакиллари билан бирлаштирилган. Улар О'зЛиДеРнинг дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда етакчилик қилишга қаратилган ислохотлар ва албатта, қишлоқ мулкдорлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар натижасидир.

— Давлатимиз раҳбари маърузаларида бугунги фермер ерининг, деҳқончиликнинг сир-асорини пухта билиши кераклиги, фермерлар саҳифа тасолифий кишилар кириб қолмасли-

ги кўп бора таъкидланган. Фермерлар билан иш олиб боришда масаланинг ана шу жиҳатига қай даражада эътибор беришмоқда?

— Шунингдек, таъкидлаш кераклиги, О'зЛиДеР аъзоси бўлган фермерларнинг деярли ҳаммаси ўз илоҳий пухта биладиган, ислохотлар моҳиятини тўлиқ анлаган ва мағзини чаққан фойдаланувчилар. Мисол учун, Тахтақўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги раиси, Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қадрамони Сарсенбой Сейитназаровининг. Аксарият фермерлар бугунги кунда 2-3 тур қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотаётган бўлса, «Тайимбет» 20 дан ортиқ рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда аграр соҳани янада тараққий эттириш, унинг самаралорлигини тубдан ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ мулкдори мавқенини мустаҳкамлаш, пировардида ҳаётимизни янада тўқин ва гўзал қилишга қаратилган ислохотлар ва албатта, қишлоқ мулкдорлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар натижасидир.

Янгибой КЎЧҚОРОВ сўхбатлашди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Чуст туманидаги трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Style textile» масъулияти чекланган жамияти жамоаси яна бир лойиҳага қўл урди. Наманган вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, ўз маҳсулотини тўлагичча экспортга чиқараётган мазкур корхона ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида Австриядан 150 минг АҚШ долларлик матога безак берувчи замонавий технология олиб келишга қарор қилган. Аҳамиятлиси, ускуналар ўрнатилгач, қўшимча иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқариш қуввати бир неча мартага оширилади. Маълум бўлишича, айни кунда 110 киши меҳнат қилаётган корхонада йил бошидан буён 1 млн. 444 минг долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

ҲИСОРДА ЯНГИ КОН

Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси Қашқадарё вилояти ҳудудида, хусусан, Жануби-Фарбий Ҳисор блокида янги газ ва конденсат кони очилганлигини маълум қилди. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, тоғли ҳудудда жойлашган Шўрдарё майдонидаги қидирув бурғулаш ишлари давомида 3 минг метрдан ортиқ чуқурликда Юқори Юра даврига доир газга тўйинган карбонатли қатламлар мавжудлиги аниқланган. Аҳамиятлиси, синовлар пайтда қудуқдаги бир кеча-кундузлик соноат дебити миқдори 650 минг куб метр табиий газ ва 70 тоннадан ортиқ газ конденсатини ташкил этган. Маълум бўлишича, яқин вақт оралиғида компания мутахассислари томонидан қудуқда ўтказилган тадқиқотлар ва бурғулаш материаллари таҳлил қилиниб, Шўрдарё конининг геологик модели аниқланди. Шу тариқа истиқболли майдонда амалга оширилажак геология-қидирув ишлари бўйича қарор қабул қилиниб, янги коннинг Жануби-Фарбий Ҳисор блокинни ўзлаштиришдаги роли белгиланади.

Ш.ХУЖАЕВ тайёрлади.

Инновация

Маълумки, чуқур билимга асосланган иқтисод, билим ва технологияларни, маҳсулот ва хизматларни изчил ва самарали янгилаш асосида миллий ва жаҳон бозорида истеъмолчиларни топа олиш тизими инновация деб аталади

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Инновация ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берибгина қолмай, ишсизликка хавф солмаслиги билан ҳам афзал саналади.

XXI асрга келиб глобал миқёсда инновация ва инновацион технологиялар ибораси кундалик иборалар қаторидан ўрин олди, десак муболага бўлмайди. Мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни рўйбга чиқаришга энг устувор вазифарлардан бири сифатида эътибор қаратиляпти. Чунки айнан инновацияларгина маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини тежаш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги имкониятларни вужудга келтириш имконини беради.

Айни пайтда янги техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бизнес эгаларининг рақобатчилар олдидаги стратегик устунлигини таъминлайди. Қолаверса, фан ва технологиянинг илмий ютуқларидан самарали фойдаланиш иқтисодий хавфсизлик ва давлатнинг муваффақият кам тараққиётини белгилашда ҳам ҳал қилувчи омиллардан эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда илм-фан жаҳон бозорига чиқариладиган маҳсулот ва технологиялар сифат ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим касб эътибор. Мазкур омиллардан етарли даражада фойдалана олмаганлар эса глобал иқтисодий жараёнлардан ортда қолишлари мумкин.

Тан олиш керакки, айни пайтда юқори технологиялар бозоридаги бизнес тизим ўз салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари нукта назаридан энергетик ва хом ашё ресурслари бозоридан фойдаланароқ бўлиб қолмоқда.

Бир қатор мамлакатлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръати ва барқарорлиги, фан, маданият, таълим ва мамлакат муҳофаа салоҳиятининг мустаҳкамлини ҳам бевоқифа юқори технологияларнинг иқтисодий тараққиётга қай даражада муваффақиятли таъкид этилганини намоён этиляпти. Иқтисодий ва институционал-структуралар жиҳатдан эса фақат юқори технологияли тармоқлар давлатнинг стратегик ва тактик вазифарларини ечиш учун реал имкониятларни сақлаб қоляпти. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ҳам инновацияни ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратилди. Узоқ йиллар мобайнида жамланган илмий ва технологик салоҳият, инновацион ва илмий-тадқиқот инфратузилмалари, юқори малакали кадрлар бунинг гарови бўлмоқда.

Шу нукта назардан юқори технологияли тармоқлар мажмуасини шакллантириш ва Ўзбекистон миллий иқтисодий тараққиётнинг инновацион ўзанларига йўналтириш учун барча имкониятлар ишла солинаяпти.

Тан олиш керак: XXI асрда жаҳон тараққиётининг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодий, сиёсат, демография, ижтимоий, геосоциал ва геониктисодий жараёнларда сифат жиҳатдан янги ўзгаришлар юз берди.

Геостратегик ҳолати, фан ва техника ютуқлари, илмий ва кадрлар салоҳияти, табиий ресурслари каби объектив омиллардан самарали фойдалана олаётган давлатлар бу жараёнда тобора илгариллаб кетмоқда-

лар. Айниқса, Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда янги тизимни шакллантира олгани туфайли ҳам ўз фуқароларининг юқори турмуш тарзини таъминлашга эришса олдидилар.

Ривожланмаган, илгортлар ортидан «қувиб юрвчи» давлатлар яна фаол халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг заиф бўлишига айланганлари бор гап. Табиийки, бундай давлатлар глобал тус олган ва мураккаблашган муносабатлар тизимида тенг ҳуқуқли шериклар сифатида майдонга чиқолмайди, улар жаҳон иқтисодий жараёнларининг субъекти сифатида эмас, балки қузатувчи ва объектлар сифатида қатнашишлари мумкин, холос.

Юқори технологияли маҳсулотларнинг жаҳон бозори шартли равишда 50 та макротехнологияларга бўлинади.

Маълумки, ҳар бир мамлакат ўз стратегиясини ўзининг иқтисодий шароитига мослаган ҳолда турли моделлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқади. Бироқ аксарият ҳолларда тараққиёт ва фаровонликка эришган барча мамлакатлар бундай юксалишга инновацияларни ҳаётга кенг жорий этиш орқалигина эришдилар. Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти Жанамитра Деван таъбири билан айтганда, «Сингапурнинг табиий ресурслари чекланган бўлса-да, у кemasозлик, нефтни қайта ишлаш ва молия соҳаларига таянувчи рақобат топган саноат экотизимини яратишга муваффақ бўлди». Фуқаролар уруши оқибатида вайронга айланган Жанубий Корея ахборот технологиялари ва замонавий электроника каби тармоқларга асосий эътибор қаратгани туфайли жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Малайзия оғир саноат, жумладан, электр ускуналари ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларни йўналтириш ҳисобидан тараққиётга эришти. Сунти йилларда Хитойда тараққиётнинг ишлаб чиқаришга асосланган янги моделлари яратилмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш ва янги иш жойлари яратиш давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Давлат секторининг иштироки аънаваний эркин бозор муҳити таъсири остида бўлган Америка Қўшма Штатларида ҳам хусусий секторнинг давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватланиши инновациялар ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Силикон водийсидаги саноат корхоналари уларнинг маҳсулотларига давлат секторидан катта эҳтиёж мавжудлиги сабабли фаол қўллаб-қувватланди. Ҳатто, глобал иқтисодий трансформациясига улкан ҳисса қўшган интернет ҳам ҳарбий илмий-тадқиқот дастурларининг фаол молиялаштирилиши натижасида пайдо бўлди.

Албатта, ҳар қандай давлат социал-иқтисодий, инновацион-технологик, экологик, ва худудий тараққиёт, инқирозларни олдиндан кўра олиш, ундан чиқиб таъминлаш, унинг оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий инновацион янгилаш борасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқар экан, келажак авлоднинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилади. Айниқса, янги технологик тартиб ва саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг технологик услубларига ўтишда давлатнинг стратегик-инновацион функцияси аҳамияти ортиб бораверади.

Айтиш жоизки, инновацияда асосий фойдани моддий


ишлаб чиқариш ёки капитал концентрацияси эмас, балки новатор олимлар ва инновацион соҳа яратадилар. Баъзи тадқиқотчилар (Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма, Д.Белл, Ж.Нейбитт) бугунги замонавий дунёда айнан инновацион иқтисодиётга асосланган иқтисодиётга ўша давлатнинг иқтисодий таъминлигини таъминлайди, деган фикрни илгари суришди. Яъни, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллайди ва айнан инновациялар янгидан-янги бозорларни кашф этади.

Шу ўринда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиш фақат инновацион ютуқлар стратегиясини амалга оширишга боғлиқ эканини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва қулай инновацион муҳит яратишга кўп нарса боғлиқ.

Шубҳасиз, инновацион тизимни шакллантиришнинг самарали механизминини ишлаб чиқишда биринчи навбатда инновацион сиёсатни тартиб-созувчи қонуналарни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Инновация тўғрисида қонулар мажмуаси қабул қилинса, интеллектуал мулк ҳимояланиши, стратегик инновацион лойиҳалар (жумладан, солиқ ва божа-хона имтиёзлари, давлатнинг инновацион-инвестиция лойиҳалари ва дастурларида банд инвесторлар ва корхоналарнинг инновацион таваккалчилиги учун сурғурта)да қатнашувчилар учун рағбатлантирувчи шароитлар юзага келадилар.

Инновацион тараққиётни узоқ муддатли прогностлаштириш, стратегик режалаштириш ва дастурлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам масаланинг муҳим жиҳатидир. Мутахассисларнинг фикрича, давлат инновацион мақсадларни амалга оширувчи хусусий инвестицияларга имтиёз ва устуворликлар бериш, тараққиёт банкларини шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ва сугурталаш, кичик ва хусусий инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш учун венчур жамғармалари тизимини ривожлантириш, йирик инновацион лойиҳаларга миллий ва хорижий сармояларни жалб этиш учун юқори технологияли фонд биржаларини ташкил этиш инновацион тизимни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Шу ўринда мамлакатимизнинг узоқ муддатли инноваци-



он тараққиёт стратегияси ва миллий инновацион тизимни мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган истиқболли инновацион сиёсат асосида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлидаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таъкид этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги қароридан илмий-тадқиқот ташкилотлари ва иқтисодий тизимнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнаштириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан муҳим вазифарлар белгилаб берилган.

Шу билан бирга Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда беш мартаба инновацион лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилди.

Ушбу тадбирлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг яна бир самараси бўлиб, янги ғоялар учун венчур жамғармалари тизимини ривожлантириш, йирик инновацион лойиҳаларга мақсадли қўллаб-қувватлаш учун узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқар экан, келажак авлоднинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилади. Айниқса, янги технологик тартиб ва саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг технологик услубларига ўтишда давлатнинг стратегик-инновацион функцияси аҳамияти ортиб бораверади.

Ярмаркаларда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳасида ишлаб чиқилган янги технология ва ишланмалар намоиш этиляптики, халқаро та-

лабларга тўлиқ жавоб берадиган, экспортдош ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ушбу инновацион ғоялар келгусида мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий этишига хизмат қилади.

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, глобал инқироз шароитида инновация соҳасидаги муаммоларни вақтида ва мунтазам ечиб бориш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шартидир.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

АЭСЛАР ТЎХТАТИЛСИН!



Кечинини, Швейцария эса 2034 йилгача АЭС ларидадан фойдаланмаслигини маълум қилган эди. Шу кунларда Япония янги қуриладиган реакторлар қурилишини ҳам тўхтатишга киришган.

Японияда 2040 йилгача мамлакатда фаолият юритаётган барча атом электр станциялари фаолиятини тўхтатиш режалаштирилмоқда. Энергетика соҳасидаги ислохотга кўра, 40 йил аввал қурилган реакторлар иши батамом тўхтатилади. Айни пайтда мутахассислар мавжуд реакторлар фаолияти қатъий равишда қайта назоратдан ўтказилаётганини таъкидлашмоқдалар.

Эслатиб ўтамиз, бундан аввал Германия 2022 йилга бориб 17 та реактор хизматидан воз кечишини, Швейцария эса 2034 йилгача АЭС ларидадан фойдаланмаслигини маълум қилган эди. Шу кунларда Япония янги қуриладиган реакторлар қурилишини ҳам тўхтатишга киришган.

«OPEL» ТАНГ АҲВОЛДА



автоуловларига талаб пасайиб бораётгани билан боғлиқдир.

«Opel» автоконцерни яқин вақт ичида Германиядаги штаб-квартирасидаги иш ўринлари сонини кескин қисқартиришини маълум қилди. Айни пайтда бу ерда фаолият юритаётган 3 минг 300 нафар ишчи-ҳодимнинг минг нафарини ишдан четлатиш режалаштирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, компания мутасаддисларнинг бундай қарори Европа автомобиль бозорида мазкур автоконцерннинг аҳоли оғирлашиб, «Opel»нинг янги

ШАРОБ ИЧИШ ТАҚИҚЛАНДИ




Чехия ҳукумати ҳам вақтинчалик мамлакат ҳудудида кучли спиртли ичимликлар савдосини қатъий тақиқлаб қўйган.

Бундан бир неча кун аввал Польша ҳукумати Чехияда тайёрланган кучли спиртли ичимликларни мамлакат ҳудудида киритиш ва уни сотишга чеклов қўйган эди. Бунга ушбу алкоголь ичимликлари таркибида метанол спиртининг кўпчилиги сабаб бўлган. Хабарларга қараганда, Польшада яна 4 нафар киши спиртли ичимлик таркибидаги метанолдан заҳарланиш натижасида ҳаётдан кўз юмган. Маълумотларга кўра, заҳарланиш шу кунга қадар 21 нафар Польша фуқаросининг ҳаётига зомин бўлган. 30 киши эса касалхонага ётқизилган.

Чехия ҳукумати ҳам вақтинчалик мамлакат ҳудудида кучли спиртли ичимликлар савдосини қатъий тақиқлаб қўйган.

ЁМҒИР ТОМЧИСИ — ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ МАНБАИ



Франциялик бир гуруҳ олимлар полимердан тайёрланган махсус ускуна ёрдамида ёмғирдан электр энергияси олишга эришдилар. Унга кўра, қалинлиги 25 микрометрга тенг мазкур ускунага урилган ёмғир томчиси механик ҳаракатни юзага келтиради ва қисқа фурсатли электр энергиясини ҳосил қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур технологиядан унчалик катта бўлмаган ва кам қувват талаб қиладиган қурилмаларда фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Франциялик бир гуруҳ олимлар полимердан тайёрланган махсус ускуна ёрдамида ёмғирдан электр энергияси олишга эришдилар. Унга кўра, қалинлиги 25 микрометрга тенг мазкур ускунага урилган ёмғир томчиси механик ҳаракатни юзага келтиради ва қисқа фурсатли электр энергиясини ҳосил қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур технологиядан унчалик катта бўлмаган ва кам қувват талаб қиладиган қурилмаларда фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Бу қизиқ



«ЧОЙ ПУЛИ» ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Тахминларга кўра, «чай пули» атамаси XVIII асрнинг 30-йилларида, голландиялик савдогарлар Англияга чай олиб кела бошлаган пайтларида пайдо бўлган. Аҳамиятлиси, ўша вақтда чайнинг нархи жуда қиммат (1 фунти 100 доллар) бўлгани боис, мазкур ичимлик олий табақа вакилларининг ичимлиги ҳисобланган экан. Зеро, аслзода хонимлар ва жаноблар жаннатмонанд ичимликни айнан чай ичиш маросими учун қурилган махсус боғларда, енгил мусиқа садоларини тинглаган ҳолда ичишни одат қилишган. Аҳамиятлиси, ўша вақтда чай боғларидаги столларнинг устида «T.I.P.S.», яъни To Insure Prompt Service — «Тезкор хизматни таъминлаш учун» ёзуви битилган қутичалар қўйилган. Бинобарин, тезроқ чай ичмоқчи бўлганлар ана шу қутиларга танга ташлаган. Шу тариқа бугунги кунда инглиз сўзлашувида кенг қўлланиладиган «tips», яъни «чай пули» атамаси пайдо бўлган экан. Хозир кўпгина тилларда бу терминдан «кичик хизмат учун бериладиган ҳақ» маъносига фойдаланилади.



ЭНАГА-ИЛОН

Ҳайвонларнинг инсонларга ўхшаб энагалик хизматидан фойдаланганини эшитганимизми? Жониворларга қараш вазифини ўз зиммасига олган судралиб юрувчилар ҳақида-чи? Шимолий Америка бойўғлиси ҳамда кичик оғизли илон (Leptotyphlopidae) ана шундай ҳайвонлар сирасига кирар экан. Гап шундаки, АҚШнинг шарқий штатлари ўрмонларида яшовчи бойўғли асосан ер остида умргузаронлик қиладиган митти судралиб юрвчи жонивор — кичик оғизли илонларни тутиб, эҳтиёткорлик билан инига олиб ташлайди ҳамда меҳмонни кўнғизлар личнкалари ва бошқа хашоратлар билан боқишга ҳаракат қилади. Илон эса бундай иззат-икромга жавобан бойўғлининг полапонларига кўз қулоқ бўлиб, уларни хар хил йиртқичлардан ҳимоя қилади. Зеро, бу кўрилонларга ўхшаш жониворнинг жуссаси кичик бўлса-да, унинг илон деган номи бор! Олимлар томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, Шимолий Америка бойўғлиларининг ҳар бешта инидан биттасида кичик оғизли илон яшар экан. Аҳамиятлиси, илонлар билан бирга ўсган полапонлар энагасиз қолган қушларга нисбатан тезроқ улғайишлари кузатилади.

Осиё Чемпионлар лигаси

Аделаидада қайд этилган жанговар дуранг


Тошкентнинг «Бунёдкор» футбол клуби Осиё Чемпионлар лигаси чорак финал баҳсининг дастлабки учрашувида «Аделаида Юнайтед» (Австралия) жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Муҳлисларнинг хабарлари бор: ана шу икки рақиб «ОЧЛ-2012» мусобақасининг гуруҳ босқичида ҳам учрашганди. Йил бошида «Жар» стадионида бўлиб ўтган ўйинда австралияликлар ғалаба (2:1) қозонишган бўлса, «яшил қитъа»да ташкил этилган баҳсда ҳисоб очилмаганди.

Аделаидада ўтказилган бу галги учрашув мезбонларнинг хавфли ҳужумлари билан бошланди. Ана шундай тезкор рейдларнинг бири 8-дақиқада «Бунёдкор» дарвозасининг ишғол қилиниши билан якунланди. Ҳисоб ҳимоячиларнинг хатосидан фойдаланган Иаин Рамсей томонидан очилди. Кўп ўтмай, «қалдирғочлар» дарвозабони Игнатий Нестеров кўпол хатога йўл қўйди. Оқибатда Ян Костопулос ҳамкорларимизнинг буш қолган дарвозасини ишғол қилишда алашмади. Биринчи бўлим давомида тўпни эгаллаб туриш ва зарба бериш бўйича тўлиқ устуликка эга бўлган аделаидаликлар ҳисобни янада оширишлари ҳам мумкин эди. Бироқ бу вазиятларда омад вакилларимизда бўлди. Боз устига, танаффусга озгина қолганида улар учрашувада туб бурилиш ясашга эришдилар: дарвозабон билан яккама-якка чиқаётган ҳужумчимиз Камолитдин Мурзоевнинг рақиб ҳимоячиси томонидан кўполлик билан тўхтатиб қолганини кўриб турган уммонлик ҳакам «айбдор» — Нейлс Богардини қизил картчқа билан жазолаб, майдондан четлатди. Ана шу қридабузарлик учун белгиланган жарима тўпи эса Жасур Ҳасанов томонидан моҳирона тарзда амалга оширилди. «Қосимовча» услубда йўлланган тўп Евгений Голкович қўриқлаётган дарвозанинг юқори бурчагидан жой олди.

Танаффусдан сўнг муҳлислар бутунлай бошқача ўйин томоша қилдилар, десак муболага бўлмайди. Зеро, 10 киши бўлиб қолган мезбонлар ҳимояга «етиб» олган бўлсалар, ўзбекистонлик футболчилар чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш эта бошладилар. Мазкур сайёҳаракатлар 75-дақиқада ўз самарасини берди. Анвар Ғофуров чап қанотдан оширган тўпни Шавкат Саломов қийинчилик билан бўлса-да, дарвозага йўллай олди. Эътиборлиси, тош-



кентликлар учрашувининг сўнгги дақиқаларда ғалаба тўпини киритиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Аммо бир сафар Лутфулла Тураев, яна бир гал Анвар Солиев томонидан йўлланган зарбаларга рақиб дарвозабони тўсқинлик қилди.

Шу тариқа сафарда ўтказилган муҳим учрашува Миржалол Қосимов шогирдлари иродали ўйин намойиш этган ҳолда, кўп жиҳатдан ўзларига маъқул келган натижани кайд этишга муваффақ бўлдилар. Зеро, 3 октябрь кун Тошкентда ўтказилган жавоб учрашувида австралияликларни қабул қиладиган футболчиларимизни хоҳлаган ҳисобдаги ғалаба ва кичик ҳисобдаги дуранг ҳам қаноатлантиради.

Таъкидлаш жоиз: мазкур жуфтлик голиби ярим финалда «Ульсан Хюндай» (Ж.Корея) — «Ал Хилал» (С.Арабистони) қарама-қаршилигида устун келган жамоа билан куч синашади. Бу жамоалар иштирокида Ульсан шаҳрида бўлиб ўтган дастлабки чорак финал ўйини эса корейларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Дарвоқе, турнир ташкилотчилари томонидан ишлаб чиқилган регламентга мувофиқ, агар «Бунёдкор» финалга чиқса, Чемпионлар лигасининг якунловчи учрашуви Тошкентда ўтказилади.

Умид қиламизки, «қалдирғочлар» ўз мақсадларига эришиб, ўтган йили «Насаф» жамоаси қайд этган ажойиб натижани (Анатолий Демьяненко мураббийлигидаги «аждарлар» ОФК кубогининг Қаршида бўлиб ўтган финал ўйинида «Қувайт» ФК устидан ғалаба қозониб, бош совринни қўлга киритишганди) тақрорлаш улдасидан чиқадилар.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 20-27 сентябрь кунлари республикамиз ҳудудида ўзгарувчан об-ҳаво кузатила-да, ёнгинарчилик бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 10-15, кундузи 22-27 даража иллик бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 10-15, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 11-16, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлиши кузатилади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Пойтахт вилояти ва шаҳрида ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда кечаси 7-12, хафтанинг дам олиш кунлари кундузи 17-22 даража иллик бўлиши кутилмоқда

Мусобақа

О'ZLIDER КУБОГИ «ЯНГУБОД»ГА ЙЎЛ ОЛДИ

Охангаронда О'zLideP туман кенгаши кубоги учун футбол турнири ўтказилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мусобақанинг саралаш ва финал босқичларида туман маҳаллаларининг жами 30 дан ортиқ жамоаси иштирок этди. Қорахитой кишлоғидаги болалар спорт мажмуаси ҳамда Охангарон шаҳридаги «Цементчи» стадионида ташкил этилган мусобақа финалида Охангарон шаҳрининг «Янгуobod» маҳалласи футболчилари «Адолат» маҳалласи вакилларини енган ҳолда бош совринни қўлга киритдилар. Қорахитой кишлоғи фуқаролар йиғинининг «Қорахитой» футбол жамоаси ва Телов ҚФЙнинг «Телов» футбол жамоаси ўртасида 3-ўрин учун ўтказилган беллашува қорахитойликлар қўли баланд келди. Турнир якунида голиб ва совриндорлар, шунингдек, баҳсларда ўзини кўрсатган иштирокчиларга ҳимийлар томонидан диплом, faxрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Матбуот анжумани

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ 35 ФОНЗГА ЕТКАЗДИ. ВА...

2012 йилда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида жами 28 та модернизация қилинган ва янги ташкил этилган корхона ишга туширилиб, уларда 4500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Миллий матбуот марказида ўтган матбуот анжуманида журналистларга 2012 йилнинг январь-август ойларида компания таркибидagi корхоналар томонидан 1 трлн. 57,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 122 фоизни таъкид этгани маълум қилинди.



— Корхоналаримиз томонидан хорижга экспорт қилинаётган тайёр маҳсулотнинг умумий экспортдаги улуши эса 25 фоизга ошди. Агар 2011 йилнинг январь-август ойларида 10 фоиз тайёр маҳсулот четга чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 35 фоизга етди. — дейди «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Шамсиддин Султонов. — Шу ўринда компаниямиз экспорт географиясини кенгайтириб, ҳамкор мамлакатлар сонини 49 та етказгани, айна пайтда ДАК таркибидagi 180 та корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинаётганини айтиш жоиз. Матбуот анжуманида, шунингдек, ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ «Ўзбекенгилсаноат» ДАК кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани, жумладан, кичик цехларга эга хусусий фирмаларни фақат йирик корхоналарда тайёрланганидан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш, уларга бизнес-режаларни тузиш ҳамда бир қатор техник масалалар бўйича маслаҳат беришда амалий ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди.

О'zLideP Сийосий Кенгаши Ихроия қўмитаси ва партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси Олий Мажлис Кунчилиги палатаси депутати Баҳриддин Бежановга падали Бузруквори Санакул отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Реклама

Advertisement for NOVO-PASSIT. The main headline is 'НОВО-ПАССИТ Табиий тинчлантирувчи восита'. Below it, there are images of the product packaging (boxes and bottles) and a person holding a glass. The text at the bottom says 'ХАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ!' and 'Мы делаем здоровье доступным во всем мире'.

Advertisement for Йодомарин. The main headline is 'Йодомарин®'. Below it, there are images of a family (a man, a woman, and a child) and a globe. The text says 'Море всегда с тобой!' and lists benefits: 'Устраняет дефицит йода', 'Повышает иммунитет', and 'Улучшает память и внимание'.